



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 3 май, № 85 (6520)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ФАВВОРАЛАР ЖОЗИБАСИ

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган “Фавворалар сайли” ёшлар оммавий-маданий тадбирлари барчага чексиз қувонч бахш этди.



Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуг йигирма беш йиллигини кенг нишонлаймиз. Ўтган вақт мобайнида юртимизда улкан янгиликлар амалга оширилди. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар бугун ҳам изчил давом эттириляётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бинобарин, ҳар бир соҳада ривожланиш кузатиляпти. Ёшларимиз ўз билим ҳамда салоҳияти билан дунёда ҳеч қимдан кам эмасликларини намойён қилишяпти. Замонавий бинолар, муассасалар қад ростламоқда. Доно халқимиз “Тинч юртга тўю тантаналар ярашади”, деб бежиз айтмаган. Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги осойишталик самарасидир.

### ЭЗГУЛИК

Мана, уч йилдирки, 1 май республикамизда “Фавворалар сайли” сифатида кенг нишонланмоқда. Одамларимизга янада кўтаринки кайфият, хурсандчилик улашишга хизмат қилувчи ушбу байрам нуфузи тобора ортиб бораёпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги “Тошкент шаҳрида “Фавворалар сайли” ёшлар оммавий-маданий тадбирларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан ўтказилди. Пойтахтимизда кўтаринки руҳда кечган мазкур сайли

ўтган йилдан эътиборан кўна ва ҳаммаша навқирон Самарқанд шаҳрида ҳам уюштириб келинмоқда. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида ташкил қилинган тадбирда нуруний отахону онахонлар, турли ёш вакиллари, кенг жамоатчилик,

иктидорли йигит-қизлар, хусусан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони соҳиблари, Президент стипендиатлари, спортчилар, талабалар, ўқувчилар, Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳри меҳмонлари ва хорижлик сайёҳлар қатнашди.

### Пойтахт кўрки

Истиклол йилларида Тошкент том маънода мегаполисга айланди. Шаҳар қиёфаси тарихий кўркини йўқотмасдан, замонавийлик касб этаётди. Мустақиллик майдони, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонаи ўз ичига олган “Маърифат маркази”, Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуаси, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи, Амир Темур хиёбони, “Бунёдкор” спорт мажмуаси каби иншоотларимиз бугун юртимизга таширф буяраётган хорижлик меҳмонларда ҳайрату ҳавас уйғотаётгани ҳам бежиз эмас.

Пойтахтимизни янада жозибдор қилиб кўрсатаётган фавворалар истироҳат боғлари, хиёбонлар, бинолар, таълим муассасалари, меҳмонхоналар, шиғоҳоналар ҳудудида ўзига ҳос ансамблини ташкил этган.

(Давоми 4-бетда).

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

### Хусусий сектор — иқтисодиёт таянчи

Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган анжуман хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашнинг долзарб масалаларига бағишланди.

Унда сенаторлар, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутатлари ва доимий комиссиялар раҳбарлари, маҳаллий ҳокимият, прокуратура, солиқ органлари, банк-молия муассасалари, ННТ ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, тадбиркорлар қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда иқтисодиётни либераллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини

мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг эркин ҳамда самарали фаолият юритишини кафолатлаш чоралари изчиллик касб этмоқда. Хусусан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, хусусий сектор ҳимояси тобора такомиллашиб бораётди. Сўнгги

йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги каби ўн бешдан ортик қонунлари қабул қилинди.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги роли ҳамда ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш борасидаги ишларни янги bosқичга олиб чиқди.

(Давоми 2-бетда).

## Очиқлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти

Парламент аъзолари, вазирлик, идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ахборот соҳасининг малакали мутахассислари, олимлар ҳамда журналистлар қатнашган мазкур тадбир 2014 йил 5 майда имзоланган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга бағишланди.

Давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш тегишли қонуний ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш билан бевосита боғлиқ экани таъкидланди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўнал-

тирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарори алоҳида аҳамиятга эга. Семинарда мазкур ҳужжат асосида тасдиқланган комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш юзасидан амалга ошириляётган саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил ахборот берилди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланган давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш методикаси билан таништирилди. Қайд этилганидек, ушбу методика асосида жорий йилдан бошлаб давлат органларининг очиқлик бўйича мавжуд қонун ҳамда қоидаларни амалга ошириш сифатини акс эттирувчи “очиқлик индекси” йиғма кўрсаткичи эълон қилиб бориляпти.

(Давоми 2-бетда).

## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Кунда-кунора ўғилларим ёки набираларим шаҳримизни томоша қилишга олиб боради. Қуриляётган улкан бинолар, фойдаланишга топширилган шиғоҳоналар, мактаблар, истироҳат боғларини кўриб, кўзим қувнади. Ҳар гал янгича таассуротлар, бир олам завқу шавқ билан уйга қайтаемиз.

## Тинч ва осуда юртда яшаш — улкан бахт

Аҳоли учун яратилаётган бундай қулайликлардан бошимиз осмонга етади. Тинчлик ва хотиржамликнинг, эзгу ниятларнинг натижаси бўлиши бугунги кунларни қадрлаш эса ҳар биримиз, айниқса, ёшларимиз зиммасидаги улкан вазифадир.

Бу гапларни бежиз айтаётганим йўқ. Ахир биз тинчликнинг бебаҳо неъмат эканлигини яши англаймиз. Қаранг, Иккинчи жаҳон урушида юртимиздан

1,5 миллиондан зиёд киши қатнашган. Бу қирғинбаротда 500 мингга яқин ҳамюртларимиз ҳалок бўлди, минглаб норғул йигитлар бедарак кетди, аксарияти майиб-мажрўҳ ҳолда қайтди. Эҳ-хе, у пайтларни ёдга олсам, ҳанузгача юрагим орқага тортиб кетади. Шунинг учун ҳам тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиш, авайлашда ҳикмат кўп.

(Давоми 4-бетда).

## Маҳалла сайловига тайёргарлик қизғин давом этмоқда

Республикамизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалла институтининг ўрни ҳамда аҳамияти тобора ортиб бораёпти. Мазкур тузилма ваколатлари янада кенгайтирилгани, фуқаролар йиғини раислари ва улар маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёнларида очиқлик ҳамда ошкоралик устуворлиги таъминланаётгани, бу вазифаларга эл-юрт ҳурматига сазовор, ҳар томонлама муносиб, ташаббускор фуқароларнинг сайланишида тегишли қонунчилик меъёрлари белгиланганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

### КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Маълумки, жорий йилнинг май — июнь ойларида бўлиб ўтадиган сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланади. Шу муносабат билан республикамизнинг барча ҳудудда мазкур муҳим тадбирга пухта тайёргарлик

кўриляпти. Сайловнинг ошқоралик, муқобиллик ҳамда тенглик принциплари асосида ўтиши учун зарур чоралар кўриляпти. Бу борада фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар

учун қулай шароит яратиб берилгани ҳамда уларнинг самарали фаолият олиб бораётгани алоҳида аҳамият касб этаётди. Фуқаролар йиғинлари органларини шакллантиришда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, сайлов жараёни иштирокчиларининг амалдаги қонунчиликка риоя қилишларини таъминлаш, фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодларнинг иш ҳамда ахлоқий фазилатлари билан аҳолини таништиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш глобал иқтисодиётда инқирозли ҳолатлар ҳамон давом этаётган ва иқтисодиётнинг ривожланиши суст кечаётган, жаҳонда нархларнинг пасайиши кузатиляётган, экспортбop қўллаб асосий товарларга нисбатан ташқи тўловга лаёқатли талаб камайиб бораётган бир шароитда амалга оширилди.

Шундай бир шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгиланган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш учун мавжуд захира ва имкониятларни жалб этишга доир қўрилган чора-тадбирлар самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди.

### I. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва мамлакатни модернизация қилишни чуқурлаштириш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш

2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялаш дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида шу йилнинг биринчи чорагида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш таъминланди.

2015 йилнинг биринчи чорагига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,5 фоиз ўсди. Макроиқтисодий барқарорлик давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицити, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси ва 2 фоизли инфляция даражаси ҳисобидан таъминланди.

Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоиз ўсди ва ялпи ички маҳсулот таркибида 36,1 фоизни ташкил қилди. Кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,7 фоиз, чакана товар айланмаси ҳажми 12,8 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари 19,4 фоиз қўлайди.

Хом ашё ва яримфабрикатларни чуқур қайта ишлаш асосида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли замонавий ишлаб чиқаришларни фойдаланишга топширишни жадаллаштириш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида инвестициялар ҳажми 8,5 фоиз ўсди. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар таркибида марказлаштирилмаган инвестициялар нисбатан катта ҳажми (умумий ҳажмининг 80,7 фоизи) ташкил этди. Шунинг 34,2 фоизи ҳўжалик субъектларининг ўз маблағларидир.

Замонавий хизмат турларини, аввало, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида жадал ривожлантириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши самарасида хизматлар ҳажми 12,1 фоиз қўлайди, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилнинг шу давридаги 59,3 фоиз ўрнига 59,5 фоизга етди.

### Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2015 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,5
Саноат	107,0
Чакана савдо айланмаси	112,8
Қурилиш ишлари	119,4
Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	108,5
Кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги	106,7
Жами хизматлар	112,1

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 2015 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 14,4 фоиз ўсди ва 732 миллион доллардан ортиқни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 563 миллион долларни ташкил қилди. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йirik инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзлаштирилган маблаглар ҳажми 14,3 фоиз кўпайди.

Жорий йил бошидан буён Инвестиция дастури доирасида 368 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди, умумий қиймати 76,4 миллион долларлик 12 та йирик ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди. Хусусан, «Мейлсвой кони курилиши», «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамиятида полиэтилен плёнка ва кувурлар, «Ангрен» махсус индустриал зонасида чарм-галантерeya буюмлари, «Жиззах» махсус индустриал зонасида шиша толасидан иссиқлик изоляция буюмлари, кенг турдаги электр қурилма ҳамда электротехника махсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш шулар жумласидандир. Шунингдек, «Бухородонмаҳсулотлари» ва «Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятлари тегирмонларида энергия тежайдиган ускуналар ўрнатиш ҳисобидан техник қайта жиҳозлаш ишлари ҳамда бошқа қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни амалга ошириш давомида шу йил бошидан буён 632 ишлаб чиқариш қуввати, жумладан, озиқ-овқат махсулотлари (228 объект), қурилиш материаллари (215), тўқимачилик буюмлари, кийим-кечак ва чарм махсулотлари (91), мебель махсулотлари (45), кимё ҳамда пластмасса махсулотлари (26), машина ва ускуналар (18), фармацевтика махсулот ҳамда препаратлари (9) ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширилди.

Таркибий ўзгаришлар жараёнларини чуқурлаштириш ва санаят тармоқларини диверсификация қилиш натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида санаят махсулотлари кўпайишининг қарийб 80 фоизи ишлаб чиқарадиган санаят тармоқлари ҳисобидан таъминланди. Жумладан, кимё махсулотлари ҳамда пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш суръати 29,4, озиқ-овқат махсулотлари 14,9, тўқимачилик буюмлари, кийим-кечак ва чарм махсулотлари 14,6, фармацевтика махсулотлари ҳамда препаратлар 12,8 фоиз ошди.

Автомобиль бензини, аммоний сульфати, натрий нитрати, севялкалар, марказдан қочирма насослар, цемент клинкерлари, шакар, арпа ёрмаси, гилам ва гилам буюмлари, трикотаж кийимлар, провитамин ҳамда витаминлар, дори-дармон ва бошқа тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди. Хусусан, йил бошидан буён тайёр тикувчилик-трикотаж буюмларининг 18 янги тури ва 24 модели, 38 турдаги қандалот, консерваланган мева-сабзавот ҳамда гўшт-сут махсулотлари, 26 номдаги дори препаратлари ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 2015 — 2019 йилларда тайёр махсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 534 лойиҳа бўйича қиймати 981,3 миллиард сўмлик ёки 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар кўп махсулот ишлаб чиқарилди. Бунда импорт ўрнини босиш самарадорлиги 345 миллион доллардан ошди.

2016 йил бошидан буён маҳаллийлаштирилган 37 турдаги янги махсулот, жумладан, нефть-газ-кимё ускуналари ҳамда конвейер ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, арматура, автомобиллар спидометри, спорт тренажёрлари, болалар велосипед ва самокатлари, электр сув иситиш мосламалари ҳамда бошқа тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу йилнинг ўтган даврида 2016 — 2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида 2,3 мингдан зиёд объект барпо этилди. Бунинг натижасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,1 фоиз, хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 10,2, молия хизматлари 22,9, соғлиқни сақлаш хизматлари 14, автотранспорт хизматлари 15,7, савдо хизматлари 13,1 фоиз кўпайди.

Энергия сарфини камайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш доирасида шу йилнинг биринчи чорагида иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланидагян энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича йилгига 280 миллион кВт/соат электр энергияси, 26 минг Гкал иссиқлик энергияси ва 3,6 миллион куб метр биогаз ишлаб чиқариш кўзда тутилган манзилли тадбирлар ишлаб чиқилди.

Умуман, ишлаб чиқариш қувватларини технологик янгилаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳамда энергия самарадорлигини оширишга доир қўрилган чоралар натижасида жорий йил биринчи чорагида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар таннархини ўртача 9,4 фоиз қисқартиришга эришилди.

#### II. Иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш

Экспортбоп асосий товарларга нисбатан ташқи бозор конъюнктураси ёмонлашиб, нархлар пасайиши давом этаётган бир шароитда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозордаги ўрнини сақлаш мақсадида 2016 йилнинг биринчи чорагида ташқи бозорда харидорғир махсулотлар ҳажми ва турини кенгайтириш, уларнинг рақобатдошлигини ошириш ҳамда экспортга етказиб бериш географиясини диверсификация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жорий йил бошидан буён қиймати 270 миллион

доллардан зиёд махсулотларни экспортга етказиб берадиган 583 янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 95 турдаги янги товарлар экспорт қилинди, 20 янги бозорга экспорт махсулотлари етказиб берилди.

Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан мева-сабзавот экспорт ҳажми (1,2 баробар), қора металл прокати (1,9 баробар), молибден махсулотлари (11 баробар), мис қотишмаси (1,8 баробар), аммоний сульфати (1,7 баробар), супрефос (2,6 баробар), полиэтилен ҳажми (31 баробар) ўсди.

Кичик бизнес корхоналарига ўз махсулотларини ташқи бозорга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида Махсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси томонидан жорий йил бошидан буён 398 корхонага маслаҳат хизмати кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация, махсулот экспорти, халқаро ва давлатлараро талабларни жорий этиш бўйича 29 халқаро шартнома тузилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси 250 тадбиркорлик субъектига қиймати 250 миллион доллардан зиёд махсулотларни экспортга чиқаришга ёрдам кўрсатди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси орқали қиймати 150 миллион доллардан ортиқ ўз махсулотини экспорт қилди.

Хўл мева ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот махсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтириш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги секторининг экспорт салоҳиятидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 февралдаги 2492-сонли ва 2016 йил 7 апрелдаги 2515-сонли қарорларига мувофиқ, «Ўзбекюзквоктхолдинг» холдинг компанияси ҳамда «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компанияси ташкил этилиб, юртимизда етиштирилган мева-сабзавотларни экспортга етказиб бериш бўйича уларнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг биринчи чораги якуни бўйича экспорт қилинган товар ҳамда хизматлар умумий ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 100,1 фоизни ташкил қилди.

#### III. Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш

Жорий йилнинг биринчи чорагида йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва ахборот-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш борасидаги ишлар фаол давом эттирилди.

2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш доирасида шу йил бошидан буён 20 километрдан зиёд темир йўл участкалари қайта тикланди, «Ангрен — Поп» электрлаштирилган янги темир йўл линиясини барпо этиш ва «Поп — Қўқон — Андижон» участкаларини электрлаштириш, «Самарқанд — Бухоро» темир йўл линиясини электрлаштириш ва юқори тезликда ҳаракатланидаган йўловчи ва поездлари қатновини ташкил этиш» лойиҳаси доирасида Бухоро вокзалини қуриш, шунингдек, «Навоий — Қонимех — Мискин» темир йўл линияси ва Қандим газни қайта ишлаш заводида қайб борадиган темир йўл қуриш учун ер полотноси ётқизиш ишлари амалга оширилди.

Жорий йил бошидан буён 2013 — 2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурига кўра, замонавий технологиялар асосида 500 километрдан зиёд кенг полосали оптик-толали тармоқлар барпо этилди ва захирага олинди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталини модернизация қилиш ва кенгайтириш ишлари давом эттирилди.

Натижада давлат ахборот ресурслари сони 317 тага етди, давлат органлари ахборот тизимлари 484 тадан ошди, 270 турдаги интерактив хизматлар жорий қилинди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталига давлат ва хўжалик бошқаруви, жиҳордаги давлат ҳокимиятининг 990 органи, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари уланган. Шу йил бошидан буён Ягона портал орқали 520 мингдан зиёд хизмат кўрсатилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,8 мартани ташкил этди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қуриш дастурига мувофиқ, жорий йил биринчи чорагида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 13 мингта янги якка тартибдаги шинам уйлар қурилиши ва бу массивларни замонавий инфратузилма ҳамда бозор инфратузилмаси объектлари билан таъминлаш ишлари бошланди.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида 2,1 миллион квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 1,4 миллион квадрат метр уй-жой, шунингдек, 205,2 километр, жумладан, қишлоқ жойларда 162,3 километр сув кувурлари барпо қилинди.

#### IV. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат иштироки улушини босқичма-босқич камайтириш

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши

самарасида шу йилнинг биринчи чорагида хусусий секторга қиймати қарийб 216 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятини қабул қилиш шarti билан 178 давлат объекти сотилди.

Акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида қишлоқ даврида 6 йирик акциядорлик жамияти устав фондидаги давлат улушининг 15 ва ундан кўп фоиз ҳажми, жумладан, қўшимча акцияларни муомалага чиқариш орқали хорижий инвесторларга сотилди.

Амалга оширилган чоралар натижасида устав фондида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари сони биринчи чорақда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,8 баробар, яъни 378 дан 209 тага камайди.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида Корпоратив бошқарув кодекси тасдиқланди, 244 акциядорлик жамияти томонидан замонавий корпоратив бошқарув талабларига мувофиқ уставлар ва бошқа ички корпоратив ҳужжатлар қабул қилинди.

2016 йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик фаолияти ва кичик корхоналар ташкил этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес субъектларига 3,6 триллион сўмлик кредит ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 марта кўпроқ, жумладан, 773 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди, халқаро молия институтларининг 40 миллион долларга яқин кредит линиялари ўзлаштирилди. Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурдаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси кўмагида қиймати 10 миллиард сўмлик 16 лойиҳа молиялаштирилди.

Жорий йил бошидан мамлакатимиз туман ва шаҳарларида тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш «Ягона дарча» марказлари 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатиш бўйича «Е-йго» идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш орқали фаолият бошлади. Ҳисобот даврида «ягона дарча» марказлари орқали 23 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатилди.

Хусусий тадбиркорликка товар ва хом ашё бозорларидан фойдаланишининг кенгайтирилиши туфайли Республика товар-хом ашё биржасида давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб берувчи сифатида рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 11 фоиз кўпайди, давлат харидлари иштирокчилари умумий сонида уларнинг улуши 98,3 фоизни ташкил қилди.

Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар шу йилнинг биринчи чорагида 8,4 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъекти, уларнинг асосий қисми санаят ва қурилиш соҳасида (30,8 фоиз) ташкил қилинди. Бу эса, ялпи ички махсулотда кичик бизнес улушини 2015 йилнинг биринчи чорагидаги 41,7 фоиздан 43,1 фоизга, санаятда 32,6 фоиздан 37,3 фоизга, инвестицияларда 31,5 фоиздан 40,2 фоизга, экспортда 20,9 фоиздан 24,4 фоизга, бандликда 76,7 фоиздан 77,1 фоизга ошириш имконини берди.

#### V. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишни давом эттириш ва таркибий ўзгартришларни янада чуқурлаштириш

2013 — 2017 йиллар даврида сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 150 километрдан зиёд коллектор, 35,5 километр ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 3 вертикал дренаж қудуғи, 24 қузатув қудуғи, 1 гидротехник иншоот барпо этилди. 2,9 минг километр коллектор-дренаж тармоғи тозаланди. Пудрат ташкилотларига умумий қиймати 40 миллиард сўмлик 140 та мелиорация техника ва ускуналарни лизинг асосида етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди.

Қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ этиш ва ривожлантириш дастурига мувофиқ, жорий йилда пахта майдонлари 30,5 минг гектар қисқартирилди. Пахтадан бўшаган ерлар ҳисобга олинган ҳолда, асосий экин майдонларига, 172,6 минг гектарга сабзавот, 86,3 минг гектарга картошка ва 26,3 минг гектарга полиз экинлари экилди. 5,2 минг гектар майдонда янги интенсив боғлар барпо этилди, 5,7 минг гектар майдондаги бог ва 3,2 минг гектар тоқзор реконструкция қилинди, 163 гектар майдонда 4264 иссиқхона ташкил этилди.

Мева-сабзавотларни сақлаш бўйича моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида 10,5 минг тонна мева-сабзавот махсулотларини сақлаш учун 16 янги совитиш камераси ташкил этилди.

Натижада шу йилнинг биринчи чорагида 53,1 минг тонна сабзавот (2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 110,6 фоиз) етиштирилди. Йил бошидан буён 95,1 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилинди.

Чорвачилик тармоғи салоҳиятини янада юксалтириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буён қорамол ва паррандаларни кўпайтириш, балиқчилик ҳамда асараличилик хўжалиklarини ривожлантириш бўйича 664 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Бунинг самарасида шу йилнинг биринчи чорагида

#### Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиғи

Мазкур ҳужжатга кўра, аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар Дастури рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, қатор қонун ҳужжатларига хусусий мулк ҳамда хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка кенг эркинлик беришга қаратилган ўзгартиш

ҳамда қўшимчалар киритилди. Иштирокчилар кенг қўламли ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиз ривожига ўрни юксалиб бораётганини қайд этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз ялпи ички махсулотида мазкур сектор улуши 5,7 фоиз ўсди. Айниқса, қишлоқ хўжалиғи махсулотлари етиштиришда, санаят

қорамоллар сони 11,5 миллиондан ошди (2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 105,8 фоиз), 425,8 минг тонна гўшт (106,1 фоиз), 12,7 минг тонна балиқ (110 фоиз), 1 594,8 минг тонна сўз (106,4 фоиз), 1 180,4 миллион дона тухум (106,7 фоиз) ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқарилди.

#### VI. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 167,4 мингта иш ўрни яратилди. Уларнинг 57,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Янги ташкил этилган иш ўринларининг 12,9 мингтаси санаятни модернизация ва диверсификация қилиш дастурларини амалга ошириш, 14,7 мингтаси муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй қуриш дастурини ҳаётга татбиқ этиш, 66,4 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, 36,7 мингтаси қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва ер участкаларини оптималлаштириш дастурларини бажариш, 36,7 мингтаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан ташкил қилинди.

2015/2016 ўқув йилида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш ва уларни кейинчалик мазкур корхоналарга ишга жойлаштириш кўзда тутилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Касб-хунар коллежларнинг 387 минг битирувчилари билан тўрт томонлама — «коллеж — корхона — битирувчи — ҳоким» шартномалар тузилиб, кейинчалик иш билан таъминлаш мақсадида амалиёт тизими учун улар 150 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотга битирилди.

Таълим жараёни ва тиббиёт хизмати сифатини янада юксалтиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида жорий йил бошидан буён таълим ва тиббиёт муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни зарур инвентарлар билан жиҳозлаш учун қиймати 221 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди (2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 113,9 фоиз).

#### VII. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида шу йилнинг биринчи чорагида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, мустаҳкам, соғлом ва аҳил оилани шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Тиббиёт хизмати сифатини янада юксалтириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимининг амбулатория-поликлиника бўғинини мустаҳкамлаш, замонавий даволаш ва ташхис қўйиш ускуналарини жорий этиш, аҳолига амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда профилактика тадбирларини кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Халқаро ташкилотларнинг молиявий кўмағи билан мамлакатимиз клиникаларида туғма хастахаллишида нуқсонлари бўлган 44 та ва туғма юрак вазеллиги билан туғилган 10 та бола операция қилинди ҳамда соғломлаштирилди. 155 минг нафардан зиёд бола бошқариладиган 12 инфекцияга қарши эмланди. 14 ёшгача фарзанди бўлган 1120 оилага, 2 ёшгача фарзанди бор 8460 оилага, шунингдек, 2310 кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатиш белгиланди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ушбу мақсадларга жами қарийб 1,3 триллион сўм йўналтирилди.

2016 йилнинг биринчи чорагида иқтисодий ривожланишининг юқори ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш салбий ташқи ўзгаришларга муваффақиятли қарши туриш ҳамда жорий йилда иқтисодиётимизнинг 7,8 фоиз даражасидаги прогност ўсиш суръатларига эришиш учун салмоқли захира ва имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 15 январдаги мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида белгилаб берган ва хом ашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, юқори қўшимча қийматга эга тайёр махсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хусусий мулкчилиқни ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг тадбиркорлик даромадларини кўпайтириш учун кенг имкониятлар яратишга қаратилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини изчил рўёбга чиқариш келгуси йилларда иқтисодиётимиз барқарорлигини янада оширишни таъминлаш борасида муҳим вазифалар ҳисобланади.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкичилиғини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилаётгани эътиборга молик, — дейди парламент қўйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Шухрат Шарафутдинов. — Бу борада олиб борилган комплекс чора-тадбирлар натижасида ўтган даврда давлат идоралари веб-сайтларининг сон ҳамда сифат жиҳатидан ўсишига

# Очиқлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти

эришилди. Жумладан, уларнинг дизайни, ахборот сифати тобора яхшиланиб, кўлами кенгаймоқда, фуқароларнинг ахборотни эркин олиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқи рўёбга чиқарилмоқда. Албатта, бу аҳолининг давлат идоралари фаолияти тўғрисида ҳолис ахборот, зарур маълумотларга эга бўлишида қатта ўрин тутади. Семинарда, шунингдек, давлат ҳокимияти ҳамда

бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликка ахборот етказиш усуллари, хусусан, ахборотни чоп этиш, уларни интернетдаги расмий веб-сайт, ахборот-кутубхона ҳамда архив фондлари орқали тақдим қилиш, ахборотдан фойдаланувчилар учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқ ҳайъат мажлисларида қатнашиш имкониятини яратиш, ахборот олишга

доир сўровларга жавоб бериш қабилардан самарали фойдаланишга доир зарур маълумотлар тақдим этилди.

Тадбир якунида давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари раҳбарлари ва ахборот хизмати ходимларига мазкур Қонун талабларини самарали қўллашга оид услубий тавсиялар берилди.

**Зиёда АШУРОВА.** «Халқ сўзи» муҳбири.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

# Хусусий сектор — иқтисодиёт таянчи

ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида, чакана товар айланмасида тадбиркорлик субъектлари ҳиссаси сезиларли даражада ошмоқда. Хусусан, Андижон вилоятда ялпи ҳуд

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Жамиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир шариоғда ўтказилаётган ушбу сайловда қонунийликни, очиқ-ошкораликни таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи **Қашқадарё вилояти** комис-

моқда. Айна пайтга қадар кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар аъзолари ҳамда ОАВ ходимлари учун ҳудудий семинарлар ўтказилиб, сайловни ташкил этиш ва ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, фуқаролар йиғини раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига муносиб номзодлар кўрсатишнинг аҳамияти, сайловни ўтказиш тартиби ва яқунларини эълон қилиш, бу жараённи оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ўзига хос

миз. Улар ёрдами туфайли сайловнинг тайёргарлик босқичини кенг ёритаямиз. Табиийки, сайлов жараёнини ёритишда ҳам ана шу изчилликка амал қиламиз. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимлари — масъулиятли вазифа. Негаки, улар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари ижросини таъминлаш, давлат органларида, юридик ҳамда жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатда йиғин номи-

ча 558 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 5 минг нафарга яқин маслаҳатчилари сайловни кўзда тутилган. Ана шунинг ўзиде муқобиллик асосида ўтказилаётган сайловнинг гоят катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятига эга эканидан далолатдир. Комиссия ўз фаолиятини ана шу талаблар асосида йўлга қўйган. — Худудимиздаги барча маҳаллада фуқаролар йиғини раислари ҳамда улар маслаҳатчилари лавозимларига юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли

Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ҳамда шаҳар Кенгашлари депутатлари, нодавлат нотариот ташкилотлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари киритилган. Уларнинг аксарияти олдинги сайловларда иштирок этган ҳамда фаоллик кўрсатган фуқаролардир. Ишчи гуруҳлар таркибига 6 минг нафардан ортиқ киши жалб қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти илгариги сайловларда катта тажриба орттирган, обрў-этиборли депутатлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда фуқаролар йиғини аъзоларидан иборат.

— Аввалги сайловлардан фарқли равишда бу сафар ушбу муҳим тадбирда қатнашадиган вакиллар сони анча кўпайтирилди, — дейди сайловга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси А. Аҳмедов. — Агар аввалги сайловларда ҳар бир маҳаллада ўртача 50-60 нафар вакил қатнашган бўлса, эндиликда 70-80 нафар вакилнинг иштирок этиши кутилмоқда. Зеро, вакиллар нафақат сайловда, балки 2,5 йил мuddат мобайнида фуқаролар йиғини ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқишда, муҳокама қилиш ва ижросини таъминлашда, ўзлари сайланган кўчалар, кишлоқлар ҳамда кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли манфаатларини фуқаролар йиғинида ифода этишда қатнашадилар. Фуқаролар йиғини раислари ва улар маслаҳатчилари лавозимларига номзодларни тасвир қилишда ишчи гуруҳлар аъзолари туман ва шаҳарларда ўтказилган ўқув-семинарларда ўзлаштирилган билим ҳамда кўникмалар кўл келмоқда, десак, муболага эмас. Бундай тадбирларда 4500 нафардан ортиқ сайлов жараёни иштирокчилари қамраб олинди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудда фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик ишлари қизгин давом эттирилмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Маҳалла сайловига тайёргарлик қизгин давом этмоқда

сияси раиси И. Абраров. — Худудимиз бўйича 660 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 6 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади. Шу боис ушбу тадбирни юқори савияда ўтказишга қаратилган ишлар изчил амалга оширилмоқда. Бинобарин, фуқаролар йиғини раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига юқори билим ва малакага эга, ташаббускор фуқароларнинг номзодларини кўрсатишга жиддий эътибор қаратиляпти. Зеро, ана шундай фазилатли инсонлар маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудларни изчил ривожлантириш, оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтиришга муносиб ҳисса қўша оладилар.

Сайловда Наманган вилояти бўйича 882 нафар фуқаролар йиғини раиси ҳамда уларнинг 9000 нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилган бўлиб, айна чоғда мазкур тадбирга қизгин ҳозирлик кўри-

хуссиятлари ҳақида кенг тушунчалар берилди. Ўз навбатида, кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳларнинг самарали фаолият юритиши учун барча қулайлик яратилди, хизмат хоналари ва ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланди.

— Маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни бекиёс, — дейди сайловга кўмаклашувчи Наманган вилояти комиссияси ҳузуридаги ахборот хизмати раҳбари М. Парпиев. — Шу боис бўлажак сайловда фуқаролар йиғини раислари ҳамда улар маслаҳатчилари лавозимларига муносиб фуқаролар сайланишини таъминлаш орқали маҳалла институтининг ислохотлардаги иштирокини янада кенгайтириш айна мuddаодир. Бу эса ҳар бир фуқародан фаолликни талаб этади. Айтиш жоизки, аҳолининг фаоллигини оширишда, шубҳасиз, оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида. Вилоят кўмаклашувчи комиссияси ҳузуридаги ахборот хизмати айнан шу мақсадда ташкил қилинган бўлиб, вилоятдаги барча ОАВ билан ҳамкорлики йўлга қўйган-

дан иш олиб бориши, йиғин аъзолари манфаатларини тўлиқ ифодалашлари керак бўлади. Маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини олиб боришдаги ўрни ҳамда ролини юксалтириш, аввало, ушбу лавозимларга қандай фуқаролар сайланишига боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби **Бухоро вилояти**да ҳам бу масалага катта масъулият билан ёндашилмоқда.

Сайловга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси З. Таировнинг қайд этишича, бўлажак сайловда энг муносиб номзодлар фуқаролар йиғини раислари ҳамда улар маслаҳатчилари сифатида сайланиши олий мақсадимиз — юрт тинчлиги, Ватан тарққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда алоҳида роль ўйнайди. Сайловда вилоят бўйи-

ислохотлар моҳиятини яхши биладиган, энг муҳими, мазкур жараёнда фаол иштирок этадиган, ташаббускор, изланувчан, аҳоли ўртасида обрў-этибор қозонган фуқаролар номзодларини кўрсатишга жиддий эътибор берилмоқда, — дейди Бухоро тумани «Кучкумар» кишлоқ фуқаролар йиғинидаги сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари У. Ибодов. — Ана шундай фазилатларга эга йиғин раислари ва уларнинг маслаҳатчилари маҳалланинг фуқаролик жамияти институтлари тизимида тутган ўрни ҳамда мавқени мустаҳкамлайди, унинг юртимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида кенг иштирокини таъминлайди.

**Сурхондарё вилояти** сайловга кўмаклашувчи комиссиясининг маълумотига кўра, ҳудуд бўйича 832 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 8 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланади. Вилоят, туман ва шаҳарлар кўмаклашувчи комиссиялари таркибига 210 нафардан зиёд фаоллар, шу жумладан,

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

- Танлов предмети:
- қўлда олиб юриладиган металлдетекторлар;
- А0 форматдаги плоттерлар;
- «Swift Agent A001» радио-IP-шлюзлар;
- ПР-73 маҳсулоти (резина таёк);
- ПР (резина таёк) учун осгич.

Тақлифлар 2016 йил 30 майгача қабул қилинади.

Танлов ўтказилиши шартлари бўйича маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: **Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-бەрк кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (+99871) 252-30-36, 255-78-24. Факс: (+99871) 281-43-73, 281-43-74. E-mail: umts@mvd.uz**

## Р. Глиэр номидаги RESPUBLIKA ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МУСИҚА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

(мактаб синфлари) 2016/2017 ўқув йили учун 1 ва 5-синфларга ўқувчилар қабулини эълон қилади.

Ҳужжатлар 2016 йил 20 майдан 3 июнгача соат 9.00 дан 15.00 га қадар қабул қилинади.

Маслаҳат кунлари — 26 майдан 3 июнгача. Қабул имтиҳонлари 4 ва 5 июнь кунлари бўлиб ўтади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, ЗИЁ кўчаси, 4-уй. Телефон: (0-371) 246-03-24. Транспорт: 28, 76, 131, 87, 34-автобусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати.

## «NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказилаётган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

2016 йил 20 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти Оҳангарон тумани СИБ томонидан ФИБ Оҳангарон туманларо судининг 2015 йил 20 мартдаги 1-5267-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 882 ОАА, ҳозирги пайтдаги давлат рақами 10 248 GCA бўлган, «HOWO» русумли автомашина.

2. Зангиота тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 30 октябрдаги 2-257-15-сонли ижро варақаси, 381/3-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 N 889 NA бўлган, «Lacetti ГПБ СПГ» русумли автомашина.

3. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 2015 йил 21 августдаги ижро варақаси, 1-273-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 79-46 ФР бўлган, «ТТЗ-8010» русумли трактор.

4. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 2015 йил 21 августдаги ижро варақаси, 1-273-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб

чиқарилган, давлат рақами 79-47 ФР бўлган, «Борекс-2302» русумли экскаватор.

Бошланғич баҳоси — 71 430 675,70 сўм. Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг АТ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (+99895) 504-99-85.

Гувоҳнома № 004593.

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказилаётган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

2016 йил 20 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 11381/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота тумани, «Бест плюс сервис» х/к ҳудудида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

- 19-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 33 862 478 сўм.
- 20-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 30 622 992 сўм.
- 27-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 29 755 790 сўм.
- 29-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 29 924 981 сўм.
- 31-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 34 115 359 сўм.
- 35-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 30 413 753 сўм.
- 38-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 30 478 070 сўм.
- 46-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 191 684 535 сўм.
- 64-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 24 267 359 сўм.
- 65-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 24 178 100 сўм.
- 69-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси — 23 519 848 сўм.

Аукцион савдосига ФИБ Зангиота туманларо судининг 2015 йил 6 октябрдаги 1-5503/15-сонли ижро варақасига асосан қўзғатилган 26800-01/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, Турлопоб маҳалласида жойлашган, ер майдони 1,2985 гектар,

792,48 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган иссиқхона, 152,44 кв.м. бўлган хизмат биноси, 443,00 кв.м. бўлган молхона ва 59,3 кв.м. бўлган соябондан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 480 000 000 сўм. 2016 йил 3 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти ФИБ Қуйи Чирчиқ туманларо судининг 2016 йил 25 январдаги 427-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Ҳамид Олимжон номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудидаги 0,13 гектар ер майдонида жойлашган нотурағор биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм. Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800090493050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258. Хизматлар лицензияланган.

## «KOSHMAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказилаётган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

2016 йил 6 июнь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул

Аукцион савдосига АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳузуридаги Амалиёт бошқармасининг 2016 йил 26 апрелдаги 04/286-сонли бюртномаси ва АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2010 йил 2 мартдаги актив операциялар бўйича қарздорликлар эвазига банк балансига қабул қилинган мол-мулкларни сотиш тўғрисидаги 10/1-сонли бошқарув қоронига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар» ШФЙ, Ойбек маҳалласи, Ирригатор кўчасида жойлашган, ер майдони 0,238 гектар, бино майдони 1163,15 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган дам олиш маскани (ғишдан қурилган 1 қаватли бино).

2. Тошкент вилояти, Бўка тумани, С. Саймоқов номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган, ер майдони 2,63 гектар, бино майдони 1663,73 кв.м. бўлган болалар оромгоҳи (ғишт ва бетондан қурилган 2 қаватли бино).

3. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Истиклол» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, ер майдони 1,5875 гектар, бино майдони 1897,64 кв.м. бўлган меваларни қуриши цехи бинолари ва техник воситалар (дастгоҳлар) мулкни мажмуа сифатида (ғишт ва бетондан қурилган 1 қаватли бино).

Аукцион савдоси 2016 йил 6 июнь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул

## ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари лавозимларига шартнома асосида танлов эълон қилади:

- **Технология жараён ва қурилмалар кафедраси:** кафедра мудири.
- **Озик-овқат хавфсизлиги кафедраси:** кафедра мудири.
- **Биотехнология кафедраси:** кафедра мудири.
- **Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув кафедраси:** кафедра мудири.
- **Физика ва электротехника кафедраси:** кафедра мудири.
- **Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси:** кафедра мудири.

Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан эътиборан бир ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими. Телефон: (0-371) 244-79-31.

қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 3 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар 2016 йил 6 июнь куни сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2016 йил 22 июнь ва 8 июль кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 22 июндаги савдо учун — 20 июнь куни, 8 июлдаги савдо учун — 6 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- \* юридик шахслар — давлат руйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил аукционда қатнашиши учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
- \* жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Аукцион савдоси қолибига 15 (ош беш) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўлиқ тўловни амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Koschmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000904920609114 ҳисоб рақамига савдога иштирок этиш учун ариза топишгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказилаётган ва қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-80-23. www.1kms.uz Электрон почта: xeltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

томонидан 2016 йил 7 ва 14 апрель кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига қўралиб, «Davlat belgisi» ДИЧБ Тошкент қоғоз фабрикаси балансидаги, ишлаб чиқариш самараси 800 кг/соат бўлган «СН-4У» русумли аралаштиргич (смеситель) 3 600 000 сўмга ва давлат рақами 01/559 НВА бўлган, «МАЗ-5551» русумли автотранспорт воситаси 9 800 000 сўмга сотилганлиги ҳамда «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 17 ноябрдаги 222-сонидан чоп этилган эълон бўйича аукцион савдосига қўйилган «АБП-8С» русумли автомобилларга ёниги қуёш контейнер-блок пункти ушбу ташкилотнинг 2016 йил 28 апрелдаги 09-02/215-сонли хатига асосан, аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357.

9.00 дан 18.00 гача **232-11-15, 236-09-25.** E-mail: reklama@xs.uz

# ФАВВОРАЛАР ЖОЗИБАСИ

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

## Унутилмас сайр

“Фавворалар сайли” пойтахтимиздаги 14 та йирик фаввора ёнида ташкил қилинди. Унда санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, сўз усталари, кино ҳамда театр актёрлари ўз дастурлари билан қатнашди. Шунингдек, ёш шоирларнинг мушоиралари, Тошкент шаҳридаги “Баркамол авлод” болалар марказлари, мусика ва санъат мактаблари ўқувчилари ҳамда ёш рассомларнинг ижодий ишлари кўргазмаси, “Камолот” ЁИҲ фаолларининг турли танлов ва викториналари уюштирилди.

— Пойтахтдаги “Фавворалар сайли”да қатнашиш учун турмуш ўртоғим ва қизим билан Термиз шаҳридан келдик, — дейди Ваҳоб Туробов. — Кайфиятимиз аъло. Тошкентнинг гўзал ҳамда диққатга сазовор жойларини

айландик, эсдалик учун суратга тушдик. Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устидан ўтган замонавий кўприкни бориб кўрдик. Бу мажмуанинг икки томонида пиёдалар учун иккита ер усти ўтиш йўлаги барпо қилинган барчамизда катта таассурот қолдирди. Бундай ажойиб иншоотлар, байрамлар юртимиздаги тинчлик ва осойишталик туфайлидир.

Навбатдаги манзилимиз “Болажон” маданият ва истироҳат боғи бўлди. Бу ерда жажжи болакайлар ҳамда уларнинг ота-оналари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Шу кунги боғда янги ҳаётга қадам қўётган кўлаб келин-куёвлар сайрга чиққанининг гувоҳи бўлдик.

## Хорижликлар хайрати

Самарқандда ҳам “Фавворалар сайли” кўтаринки кайфиятда ўтди.

Шаҳарнинг Кўксарой, Рухобод, Хамид Олимжон номидаги мусикали драма театри майдонлари, Университет ҳамда Йўлбарслар хиёбони, Шоирлар боғи, аэропорт ва темир йўл вокзали олдидаги фавворалар атрофида “Тоza сув, мусаффо ҳаво — соғлом ҳаёт!” шиори остида сайил ўтказилди.

Тадбирларни қадим ва навқирон шаҳарга ташриф буюрган 500 нафарга яқин сайёҳлар ҳам бевосита томоша қилишди. Тарихий асарлардан фаввораларимиз ҳақида олган билимларини замонавий талқиндаги маълумотлар билан бойитдилар.

— Самарқандда ўтаётган “Фавворалар сайли”да қатнаш-ётганимдан мамнунман, — дейди АҚШлик сайёҳ Эндрю Мобз. — Бизда ҳам фавворалар кўп, аммо бундай байрам йўқ. Юртингизда фавворалар атрофи туну кун одамлар билан гавжумлиги ҳам эътиборимни тортди. Бу, албатта, халқингизнинг



бугунги кундан кўнгли тўқлиги, эртанги кунга ишончи юксаклигини билдиради.

Сайилларда вилоятнинг таниқли санъаткорлари, ёш ижрочили санъаткорлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари чиқишлари, театр ижодкорлари томонидан тайёрланган саҳна асарлари намойиш этилди. Тажрибали рассомлар ҳаваскор мусаввирлар учун маҳорат сабоқларини ўтдилар. Турли

спорт мусобақалари, интеллектуал танловлар, расмлар кўргазмаси ташкил қилинди.

Умуман, “Фавворалар сайли” тинчлик, шукроналик ҳамда ёшлик байрамга айланди. Зеро, ана шундай эзгу кайфият барқарор юрtdа тараққиёт бўлади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, Акром ҲАЙДАРОВ.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Тинч ва осуда юртда яшаш — улкан бахт

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Талатўплардан омон қайтиб, боғлар яратишга, серхосил навларни кўпайтиришга қизиқдим. Айниқса, мустақиллик йилларида Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнади. Фидокорона меҳнатимиз учун давлатимиз томонидан тақдирландик. Турмуш ўртоғим билан фарзандларни эл қорига ярайдиган инсонлар этиб тарбияладик.

Яқинда биздан олис мамлакатда яшаётган курулдошларимдан бири хонадонимизда меҳмон бўлди. У билан икки кун Навоий шаҳрини, туманларни айландик.

Меҳмон асрларга татигулик бунёдкорлик ишларидан хайратланди. Хусусан, биз, нурунийларга кўрсатилаётган эҳтиромни эшитиб, кўзи ёшланди. “Шундай тинч-осуда юртда умргузаронлик қилишдан ортиқ бахт борми дунёда?” дея таъкидлади.

Чиндан ҳам, биз бахти-

ёр инсонларимиз. Тақдиримизга истиқлол деб аталмиш улугъ неъматни кўриш насиб этди. Хар доим иззат-икромдамиз, эътибордамиз. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони эса кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда нурионларни моддий рағбатлантирилиши, пул мукофоти тантанали ва байрамона вазиятда топширилётгани янада ибратлидир.

Маҳалла-қўй, мактабларга ёшлар билан уршувларга тақлиф этишади. Бундай тадбирларда эрта-ми эгаларига “Бугунги фаровон ҳаёт, осойишталикнинг қадрига етинг, уни кўз қорачиғидек асраб-авайланг”, дейишдан асло чармайман.

**Барока ЗАРИПОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.** Навоий шохри

# Спорт



Баҳрайн пойтахти Манама шаҳрида 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида қуръа ташланди.

## Совриндорлар жаҳон чемпионатида боради

Унга кўра, китъамизнинг 16 терма жамоаси тўрт гуруҳга бўлиниди. Хусусан, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси “D” гуруҳида Хитой, Австралия ва Тожикистон футболчиларига қарши баҳс олиб борадиган бўлди.

“А” гуруҳида Баҳрайн, Таиланд, Жанубий Корея ва Саудия Арабистони, “В” гуруҳида КХДР, БАА, Ироқ ҳамда Вьетнам, “С” гуруҳида Қатар, Япония, Яман ва Эрон ёшлар терма жамоалари ўзаро куч синашади.

Мусобақа шу йилнинг 13 — 30 октябрь кунлари Баҳрайнда

бўлиб ўтади. Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайтида маълум қилинишича, ёшлар терма жамоаси дастлабки учрашувни 15 октябрь кун Тожикистон вакилларига қарши ўтказади. 18 октябрда Австралия, 21 октябрда эса Хитой футболчиларига қарши майдонга тушадилар.

Қоидага мувофиқ, китъа биринчилигида ярим финалга чиққан тўрт жамоа 2017 йили Жанубий Корея мезбонлик қиладиган йигирма ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашади.

“Ўзбекистон” спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича катталар ўртасидаги Осиё чемпионати якунланди.

Осиё оғир атлетика федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси ҳамда Оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мажкур нуфузли мусобақада китъамизнинг ўттиздан зиёд давлатидан уч юзга яқин спортчи совринли ўринлар билан бирга, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтadиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун ҳам баҳс олиб борди.

Мусобақада энг тажрибали спортчимиз, оғир атлетика бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони Руслан Нурудинов 105 килограмдан оғир бўлган полвонлар ўртасида муваффақият қозонди. У штангани даст кўтаришда

# Олимпиада йўлланмалари берилди

191 килограмм натижа қайд этиб, олтин медаль билан тақдирланди.

Яна бир маҳоратли атлетимиз Иван Ефремов вази 105 килограмгача бўлган спортчилар баҳсида даст кўтаришда 183 килограмм тошни бўйсундириб, голиб чиқди. Силтаб кўтаришда 211 килограмм, иккикураш якунига кўра эса 394 килограмм натижа билан бронза ва кумуш медалларни кўлга киритди. Ушбу вазн тоифасида Сардор Дўстмуродов ҳам совриндорлар қаторидан жой олди.

Авалроқ вази 62 килограмгача бўлган полвонлар ўртасида Адҳам Эргашев бронза медаль соҳибига айлангани ҳақида хабар берган эдик.

Аслида, оғир атлетика бўйича эркаклар терма жамоамиз сўнги

икки жаҳон чемпионати якунлари бўйича Бразилияда бўлиб ўтadиган ўйинлар лицензияларини нақд қилиб қўйишган эди. Шу боис ҳам тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси йўлланмаси билан боғлиқ навбатдаги хуш-хабар аёллар терма жамоасидан кутилаётган эди. Улар бу ишончли оқлаб, барчага қувонч улашди.

Яна бир жиҳатни айтиб ўтиш ўринли. Мажкур спорт турида лицензиялар терма жамоаларга берилиши туфайли XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига борадиган полвонларимиз номи нуфузли беллашув арасида Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси томонидан эълон қилинади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров иштирок этди.

**Шокаат ОРТИҚОВ** таъйрлади.

## ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Аукцион савдолар ўтказиш учун риэлторлик ва бошқа ихтисослаштирилган корхоналарни танлаш бўйича конкурс ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган низомга (2006 йил 30 сентябрь, рўйхат рақами 1625) асосан,

### Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автоматотранспорт воситалари ҳамда кўчмас мулкларни аукцион савдолари орқали сотиш учун риэлторлик ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотларни (кейинги ўринларда — савдо ташкилотчиси) танлаш тўғрисида танлов эълон қилади.

Танлов 2016 йил 7 — 10 июнь кунлари соат 10.00 да Суд департаментининг марказий аппарати биносида ўтказилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Халқобод 3-тор кўчаси, 2-«А» уй. Мурожаат учун телефон: (0-371) 237-61-84.

#### Танлов ўтказилиш жадвали:

- 7 июнь кунги Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари;
- 8 июнь кунги Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятлари;
- 9 июнь кунги Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти;
- 10 июнь кунги Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда қолган вилоятлар.

Танловда қатнашиш учун савдо ташкилотчилари комиссия ишчи органига ариза юборади. Комиссия ишчи органи вазифаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси Солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўлими зиммасига юклатилади.

Ариза ҳамда унга илова қилинадиган ҳужжатлар танлов ўтказиш тўғрисида эълон чоп этилган санадан бошлаб ўттиз кун давомида танлов ўтказиладиган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 1 июнь.

#### Аризага куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- аукцион савдоларини ўтказиш учун зарур хоналар ва малакали мутахассис (аукциончи)ларнинг мавжудлиги тўғрисида тегишли ҳужжатлар;
- аукцион ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ миқдори (1 фойзадан ошмаслиги лозим);
- савдо ташкилотчисининг молиявий аҳоли, банкдан, шу жумладан, солиқ ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот;
- савдо ташкилотчисининг расмий веб-сайтга эга бўлиши ҳамда унда фуқаролар томонидан аукцион савдоларида қатнашиш учун уларнинг аризаларини масофадан қабул қилиш механизми мавжудлиги тўғрисида маълумот.

Талабгорлар мазкур баҳолаш мезонларини

Кўшимча маълумотларни [xhgatov@suddep.uz](mailto:xhgatov@suddep.uz) электрон почтаси ва (0-371) 237-61-84 телефони орқали олиш мумкин.

тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ихтисослаштирилган ташкилотлар автотранспорт воситаларини сақлаш учун жой ва мазкур жойларнинг сони тўғрисида маълумот тақдим этиши мумкин.

Риэлторлик ташкилотлари риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси, ихтисослаштирилган савдо ташкилотлари учун — низом нусхасини (автотранспорт воситаларини сотиш ваколати кўрсатилган бўлиши керак) тақдим этадилар;

Комиссия аъзолари талабгорлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, куйидаги мезонлар бўйича уларни баҳолайди:

- а) аукцион савдоларини ўтказиш учун зарур хоналар ва малакали мутахассис (аукциончи)лар мавжудлиги;
- б) аукцион ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ миқдори пастлиги;
- в) қониқарли молиявий аҳоли;
- г) автоматотранспорт воситаларини сақлаш шароити ва жойларнинг мавжудлиги;
- д) ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;
- е) расмий веб-сайтдаги аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги фуқаролар аризаларини масофадан қабул қилиш механизмининг сифати ва қулайлиги.

Ҳужжатлар шахсан, курьер ёки почта хизмати орқали муҳрланган конвертда юборилади.

Танлов натижалари бўйича баённома имзоланганидан сўнг ўн беш кунлик мuddат ичида танлов голиблари ва Суд департаментининг худудий бошқармалари ўртасида мuddатини узайтириш ҳуқуқи билан бир йил мuddатга ижро ҳужжатлари бўйича кўчмас мулклар ёхуд автотранспорт воситаларини аукцион савдоларида сотиш тўғрисида тасдиқланган намунавий шаклдаги шартнома тузилади.

### Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади:

аёллар учун тантаналарда кийиладиган денгиз тўлқини рангли, жунли ип аралашган кителлар ҳамда курткалар, аёллар учун денгиз тўлқини рангли, жунли ип аралашган энгил курткалар, «соя» рангли камуфляж дала кепилари, «соя» рангли камуфляж ёзги костюмлар, «соя» рангли камуфляж киши костюмлар, қора рангли машқ костюмлари, қора рангли киши курткалари ва шимлар, денгиз тўлқини рангли жемперлар, ўт ўчирувчиларнинг жанговар кийимлари, денгиз тўлқини рангли энги узун кўйлақлар.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Талабгорлардан тендер таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

Маълумот учун ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача куйидаги телефон орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12. Факс: (0-371) 281-43-73.

## Ўзбекистон давлат консерваторияси

қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

#### Профессор лавозимига:

- Халқ чолғуларида ижрочилик — 1, Махсус фортепиано — 1.

#### Доцент лавозимига:

- Аънаваный ижрочилик — 1.

#### Катта ўқитувчи лавозимига:

- Эстрада чолғу ижрочилиги — 1, Мусика назарияси — 1, Мусиқий жанршунослик — 1.

#### Ўқитувчи лавозимига:

- Мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика — 1.

#### Танловда иштирок этиш истагидаги даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумот, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ҳамда аттестатларининг нусхалари;
- ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мuddат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмасор кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси Коллоид кимё лабораторияси мудири, кимё фанлари доктори, профессор **Анвархўжа АЪЗАМХУЖАЕВИНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Sport” телерадиоканали давлат унитар корхонаси жамоаси “Хабарлар” информацион дастурлар бош муҳарририяти муҳаррири Раъно Миррахмедовага отаси **Ўқтам МИРАҲМЕДОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Халқ сўзи

### Народное слово

#### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

#### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 115 629 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифалаанди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

#### • МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — М. Холатова. Мусахҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6